



Зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", дуоларнинг энг афзали "Алҳамдулиллаҳ" дир

Жобир разияллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", дуоларнинг энг афзали "Алҳамдулиллаҳ" дир».

[Ҳасан] [Термизий, Насоий «Сунани Кубро» ва Ибн Можа ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда зикрларнинг энг афзали "Лаа илааха иллаллоҳ", яъни "Аллоҳдан ўзга сиғинишга ҳақли зот йўқ", дейиш эканини ва дуоларнинг энг афзали "алҳамдулиллаҳ", яъни барча неъматларни берувчи зот камол (комиллик) ва жамол (гўзаллик) сифатларига энг лойиқ бўлган Аллоҳ субҳонаҳу ва таололигини эътироф этиш эканини хабар бермоқдалар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3567>

